

Ҳозир узр қолмаган деган гапни эшитганмисиз?



09:00 / 31.12.2021 2695

Кўпчилик тажвид курслари йўқлигидан, шу сабаб Қуръон ўргана олмаётганидан ёзғиради. Бу борада мутлақ чеклов бор деб ўйлайди. Аслида эса...

Устозларнинг боши омон бўлсин, интернет сарҳадларини дарслар билан тўлдириб ташлашган. Хусусан, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳматуллоҳи алайҳ асос солган islom.uz портали ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасига тегишли muslim.uz саҳифалари бу борада жуда илғор. Аллоҳ таоло бу ишга бош-қош бўлиб турган жонкуярларимиздан Ўзи рози бўлсин. Ўз шахсий манфаатларини бир четга суриб, халқ маърифати йўлида қилаётган меҳнатлари учун мислсиз ажр-савоблар билан сийласин. Бизларга ҳам улар каби ҳиммат берсин. Омин.

Қуйида Қуръон ихлосмандлари учун фойдали бир нечта интернет ҳаволани улашмоқчиман. Дарсларнинг бари Ўзбекистон ҳудудида рухсат этилган манбаларда жойлашган. Имкон бўлса, баъзи такрор жойларини мулоҳаза қилмай, барча дарсларни ушбу тартибда тугатиб чиқилса, анча илм ҳосил бўлади, иншааллоҳ. Видеодарсларни кўришдан аввал ўзингизга яқин китоб дўконидан битта «Муаллими Соний» китобини сотиб олсангиз, кифоя қилади. Видеодарсга ўтиш учун кўк рангдаги ҳавола сўзининг устига

босиш лозим.

1. «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид билан «Қуръон тартили». Бу дарсликда қоидалар суратлар билан батафсил тушунтирилган ва ҳар дарснинг охирида машқлар ҳам бериб борилади. 24 та дарс:

-Ютубда ҳавола

https://www.youtube.com/playlist?list=PLys356tU5j5Toa_cmFHbLIIFetGoAGnRiX

- Телеграмда ҳавола https://t.me/quranuz_kanali/1380

2. «Имом Бухорий» номидаги Тошкент Ислон институти мударриси Жаҳонгир қори Неъматов билан «Тажвид фани». Юқоридаги Ҳасанхон қори домланинг тартил дарсларига ўхшаш жиҳатлари бор, аммо устозлар илмининг баракасидан тўлиқ баҳраманд бўламан деган инсон эринмай бу дарсларни ҳам кўриб чиқса, билими анча пишиқ бўлади; 31 та дарс:

- Ютубда ҳавола

<https://www.youtube.com/playlist?list=PLi7SB6MZij7cUMk2vKsGIIlGEhrwvc1m>

- Телеграмдаги биринчи дарс учун ҳавола

<https://t.me/muslimuzportal/18296>

Давомини телеграм каналда #Тажвид_фани ҳештеги орқали топасиз.

3. Шайх Яҳё Ғавсонийнинг Фозилжон Абдулқайюм томонидан таржима қилинган «Осонлаштирилган тажвид қоидалари» китобининг аудио шакли. Қоидалар савол-жавоб шаклида баён қилинган. Юқоридаги дарслар адо қилинган, тажвид бўйича қоидаларни мустаҳкамлаб олиш ва ўзини синаб кўриш учун яхши манба. Китобни Hilol Ebook мобил иловасидан бепул юклаб олиш мумкин:

- Аудиофайллар ҳавола

<https://e-hilolnashr.uz/catalog/detail/osonlashtirilgan-tazhvid-koidalari-audio>

- Hilol Ebook иловаси iOS учун ҳавола <https://apps.apple.com/ru/app/hilol-ebook/id1046459232>

- Hilol Ebook иловаси Android учун ҳавола

<https://play.google.com/store/apps/details?id=uz.hilal.ebook>

4. Ал-Азҳар битирувчиси, 10 та қироат бўйича ижоза соҳиби, Миср диёрида кўплаб шогирд чиқарган Алижон қори Файзуллоҳ ўғли билан «Муаллими Соний». Бу дарслар тушунтириш эмас, балки анъанавий намуна услубида ўтилади. Қоидаларни яхши ўзлаштириб олгач, «Муаллими Соний» китобини анъанавий услубда устознинг оғзидан эшитиб такрорлаш учун муҳим манба. Дарсларни нафақат youtube, балки шайх Алижон қори домлага тегишли Alquran мобил иловаси ҳамда телеграм канали орқали ҳам тингласа бўлади; 72 та дарс.

- Ютубда ҳавола

<https://www.youtube.com/playlist?list=PLi7SB6MZij7dLXR3m6KBQq1Bnz6Maj-Ug>

- Alquran иловаси Android учун ҳавола

<https://play.google.com/store/apps/details?id=uz.alquran.mobile.application>

- Телеграмдаги биринчи дарс учун ҳавола

<https://t.me/muslimuzportal/18053>.

Давомини телеграм каналда #Видеодарслик ҳештеги орқали топасиз.

5. «Имом Бухорий» номидаги Тошкент Ислом институти мударриси Жаҳонгир қори Неъматов билан «Тажвид фани (суралар)». Асосий тажвид дарслари тугагач, Жаҳонгир қори домладан Қуръон сураларини тўғри ўқиш бўйича дарслик; 25 та дарс:

- Ютубда ҳавола

<https://www.youtube.com/playlist?list=PLi7SB6MZij7eFSwn85FDjyD4V1XVcuSWI>

Шунингдек, Ўзбекистон муслмонлари идораси Қуръон ўрганишга бўлган талабни бир қадар бўлса-да қондириш мақсадида ҳафтанинг ҳар пайшанба куни жонли эфирда амалий машғулот олиб борапти. Юқоридаги дарсларни тугатгач, сиз ҳам жонли эфир пайтида қўнғироқ қилиб қироатингизни текширтириб олишингиз мумкин. Охирги дарс учун ҳавола <https://t.me/muslimuzportal/21344>

«Оҳҳо, шунчами?» Ҳа, бир қарашда жуда узоқ йўлдек кўринади. Лекин илм йўли машаққатдир. Машаққат чеккан зотларга эса Аллоҳнинг розилиги ва жаннати бор. Интернетни бор, мегабайти бор телефондан кириб, бу постни

охиригача ўқиган бўлсангиз, менимча, энди сизга ҳам узр қолмади! Аллоҳ таоло оладиган илмларингизга хайр-барака берсин.

Манба: <https://t.me/javharuz>